

аҳолини буйсундириш учун хизмат килганлиги аниқланди; Хива хонлиги ҳудудидаги қорақалпоқларнинг ижтимоий-сиёсий аҳволи янги кўз қарашда ўрганилди; Амударё бўлимида қози ва бий судлари олиб борган ишлари ўрганилди; Рус судларининг ташкил этилиши ва олиб борган ишлари таҳлил этилди; Империя даври прокуратурасининг ўлкада шаклланиши ва улар олиб борган сиёсат ўрганилди; Совет судларининг ташкил этилиши жараёни таҳлилий ўрганилди; Совет прокуратурасининг ташкил этилиши ва олиб борган ишлари таҳлил этилди; Суд ва

прокуратуранинг ўзаро муносабатлари, биргаликдаги иш жараёни ўрганилди; Совет мустабид тузуми даврида қорақалпоқларнинг анъанавий судлари фаолиятининг чекланиб бориши жараёни ва унинг оқибатлари таҳлил қилинди; Совет даврида совет суди халқ суди деб номланган, амалда жамиятни синфларга ажратиб, ҳукмрон мафкурага хизмат қилган суд, прокуратура тизими қатагон қуролига айланганлиги аниқланди.

Инқилобий трибунал расман буйруқ билан тугатилган бўлса ҳам амалда халққа нисбатан қирғин барот ишларни давом этаверган.

Адабиётлар

1. ЎзРМДА Р-17-жамғарма, 1-рўйхат, 21-йиғма жилд, 38-варақ.
2. Сборник декретов и приказов Совета Народных Комиссаров Туркестанский Федеративной Республики. За 1918 г. С-19-20.
3. ЎзРМДА. Р-25-жамғарма, 1-рўйхат, 144-йиғма жилд, 128, 130-варақлар.
4. ЎзРМДА. Р-38-жамғарма, 2-рўйхат, 65-йиғма жилд, 183, 183-варақнинг орқаси. Бундан кейин «о» белгиси варақнинг орқаси мазмунини беради.
5. ЎзРМДА. Р-25-жамғарма, 1-рўйхат, 144-йиғма жилд, 229-о, 130-варақлар.
6. ҚРМДА. 12-жамғарма, 2-рўйхат, 7-йиғма жилд, 11, 11-варақнинг орқа томони.
7. ҚРМДА. 12-жамғарма, 2-рўйхат, 7-йиғма жилд, 8-варақ.
8. ҚРМДА. 67-жамғарма, 1-рўйхат, 22-йиғма жилд, 1, 2, 5, 7, 8, 11-варақ.
9. ҚРМДА. 113-жамғарма, 1-рўйхат, 9-йиғма жилд, 79-варақ.
10. ҚРМДА. 113-жамғарма, 1-рўйхат, 15-йиғма жилд, 16-варақ.
11. ҚРМДА. 113-жамғарма, 1-рўйхат, 5-йиғма жилд, 5, 5-о-варақ.
12. ҚРМДА. 67-жамғарма, 1-рўйхат, 2-йиғма жилд, 11-варақ.
13. ҚРМДА. 67-жамғарма, 1-рўйхат, 2-йиғма жилд, 9, 9-о-варақ.
14. ҚРМДА. 67-жамғарма, 1-рўйхат, 22-йиғма жилд, 13-варақ; ЎЗРМДР-27 жамғарма, 1-рўйхат, 595-йиғма жилд, 1, 2, 3-варақ
15. ҚРМДА. 67-жамғарма, 1-рўйхат, 22-йиғма жилд, 13-о-варақ.

РЕЗЮМЕ. Мақолада қатагон органлари ичида халқни аёвсиз террор қилган инқилобий трибуналлар, Олий инқилобий трибунал ва унинг қошида ташкил этилган фавқулодда тергов комиссиялари алоҳида роль ўйнаган. 1918 йил 18 ноябрда Туркистон марказий ижройи кўмитасининг инқилобий трибунали ташкил этилган ва улар қошида тергов комиссияси ва айбловчилар хайъати ташкил этилган.

РЕЗЮМЕ. В статье среди репрессивных органов особую роль играли революционные трибуналы, Верховный революционный трибунал и созданные при нем чрезвычайные следственные комиссии. 18 ноября 1918 г. был учрежден Ревтрибунал ЦИК Туркестана, при нем учреждена следственная комиссия и суд присяжных заседателей.

SUMMARY. In this article, the revolutionary tribunals, the Supreme Revolutionary Tribunal and the extraordinary investigation commissions established under it, played a special role among the repressive bodies. On November 18, 1918, the revolutionary tribunal of the Central Executive Committee of Turkestan was established, and under them, an investigative commission and a jury of accusers were established.

ҚОРАҚАЛПОҚ БАДИИЙ КИНОСИ

(1991-2024 йиллар)

У.Е.Хужаниязов – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори
Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг Қорақалпоқ академик лицейи

Таянч сўзлар: мустақиллик, санъат, режиссёр, фильм, студия, қисқа метражли фильм, актёр, комедия, “Қорақалпоқфильм”.

Ключевые слова: независимость, искусство, режиссёр, фильм, студия, короткометражный фильм, актёр, комедия, “Каракалпакфильм”.

Key words: Independence, art, director, film, studio, short film, actor, comedy, “Karakalpakfilm”.

Кириш. Маданиятимиз ривожини кино санъатисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Айниқса, бадий фильмларсиз. Чунки бадий фильмлар ахборот маконини ҳам, мусиқа ва адабиётнинг жилоларини ҳам, тасвирий санъат ва театр манзараларини ҳам ўзида жамлаган ҳолда воқе бўлиши ва инсонга ўша санъатлар таъсири ва эҳтиросини тақдим қила олиши билан завқлидир.

Адабиётлар таҳлили ва методлар. Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар, яъни тарихийлик, қиёсий-мантикий таҳлил, кетма-кетлик ҳамда

фанлараро ёндошувлар асосида ёритилган. Шунингдек, мавзуга оид олиб борилган тадқиқотлар ва нашр этилган илмий мақолалар таҳлил қилинди ҳамда умумий маълумотлар сифатида фойдаланилди [2].

Натижалар. Бугунги кунда жаҳоннинг етакчи давлатлари каби мустақил Ўзбекистон ҳам бу соҳага катта эътибор билан қараб, кино санъатининг барча турларини ривожлантиришга, унинг имконият ва ютуқларидан янгиланган жамият пойдеворини мустаҳкам қилиш йўлида фойдаланишга катта эътибор билан қарамоқда. Соҳа ривожини учун давлатимиз

томонидан катта маблағлар ажратилмоқда. Буни Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил август ойидаги Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувидagi нутқида ҳам қўришимиз мумкин. Унда “Ҳозирги вақтда биз кино соҳасига давлат бюджетидан ҳар йили миллиардлаб сўм маблағ ажратилмоқда” [1] деб айтганидек бу соҳага катта эътибор қаратилмоқда.

“Қорақалпоқфильм” ижодий жамоаси ҳам бу борада жуда муҳим вазифаларни бажармоқда.

Муҳокама. Қорақалпоқ умуладанияти силсиласида кино санъатининг ташкил қилиниши ва унинг мустақиллик йилларида мустақил киностудияга – “Қорақалпоқфильм”га айлантирилиши Қорақалпоғистон Республикаси халқи маданий ҳаётида катта воқеа бўлди.

Қорақалпоғистонда кино санъатининг ташкил қилиниши ўтган асрнинг 70-йилларига тўғри келади. Дастлаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Киномотография давлат комитетининг 1970 йил 19 февралдаги 45-сонли қарори асосида Нукусда Ўзбекистон ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар киностудиясининг Қорақалпоғистон филиали очилди [3]. У 1970 йилнинг 1 апрелидан эътиборан иш бошлаб, кўпгина ютуқларни қўлга киритди, ўлка аҳолисига кўп сонли ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар, киножурналлар тақдим этди, республикада ва халқаро миқёсда ўз маҳсулотларини намойиш қилиб, юксак эътиборга, совринларга сазовор бўлди. Кейинчалик 1990 йили Ўзбекистон ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмлари Қорақалпоғистон филиали базасида “Қорақалпоқфильм” киностудияси ташкил этилди.

Ўзбекистон ҳукуматининг моддий ва маънавий, техник кўмаги натижасида “Қорақалпоқфильм” киностудияси мустақил ҳолда кино ишлаб чиқариш даражасига етишди, у муносиб кадрлар билан таъминланди, моддий-техник даражаси яхшиланди.

Давлатимизнинг кўрсатаётган ғамхўрликлари ва ёрдамидан руҳланган “Қорақалпоқфильм” жамоаси кейинги йилларда мустақил равишда “Ўзбекино” студиясининг техник ёрдами билан тўламетражли бадиий фильмлар ишлашга ҳам эриша бошлади.

Киностудияда ишлаб чиқилган бадиий фильмлар ўзининг юксак бадиийлиги, халқчилиги, ҳужжатли фильмлар эса ўлка ҳаёти, инсонлари, табиати, турмуш тарзи, яратувчанлик ишларининг экрандаги аксига айланди.

Авваллари студия ҳужжатли фильмларни тасвирга олувчи студия сифатида фаолият юритган бўлса мустақиллик йилларида, студия мультипликацион фильмлар, болалар ҳаётига бағишланган юмористик журналлар, тўлиқ метражли бадиий фильмлар яратадиган кўп киррали студияга айланди.

Илгари студияда қискамметражли бадиий фильмлар яратилиб, бу бўйича озгина тажриба тўпланган ва 1990 йили “Гум-гум”, (сценарий муаллифлари М. Тўйчиев, О. Абдурахмонов), “Тиқин” (сценарий муаллифи О. Абдурахмонов), 1992 йили “Қайтиш” (муаллиф Т. Қалимбетов) каби фильмлари дунё юзини кўрган эди. Тўлиқ метражли бадиий фильмлар яратиш эса фақат мустақиллик йилларидагина амалга ошди [4].

Студия жамоасининг мустақил ҳолда маҳаллий актёрлари иштирокида, маҳаллий кинодраматурглар

муаллифлигидаги тўлиқ метражли “Танка” фильмининг тасвирга олинishi студия тарихида катта воқеа бўлди. Ушбу фильм комедия жанрида бўлиб, кино ихлосмандлари томонидан илиқ кутиб олинди. Бу фильм қорақалпоқ миллий колоритини, урф-одатларини, содда ва танти халқини, юморга бой ҳаётий манзараларини, кишиларининг ишонувчан, самимий хулқ-атворини, раҳбарларда мавжуд бўлган қусурларни қулғили тарзда намоён қилувчи, ёшларга меҳр-оқибат туйғуларини сингдиришга қаратилган фильм сифатида Ўзбекистон Республикаси кинофондидан муносиб ўрин олди. Унинг муаллифлари М. Низанов, режиссер Т. Қалимбетов, оператор Д. Абдуллаевлар “Ўзбекино” ДАКнинг энг яхши киносценарийлар учун таъсис этилган конкурснинг иккинчи мукофотини, 2004 йили Бердақ номидаги Давлат мукофотини олишга муваффақ бўлди [5]. Бу ютуқлардан илҳомланган киностудия жамоаси “Ўғри”, “Қўшнилар”, “Курорт” каби комедия жанридаги бадиий фильмларни тасвирга олишди.

Мазкур фильмларда қорақалпоқ халқининг руҳий олами, анъаналари ва турмуш тарзи ҳақида айтилади, шунингдек бугунги кунда ҳаётимизда рўй бераётган камчилик ва нуқсонлар сатира ҳамда юмор орқали акс эттирилади.

Чунончи, 2009 йилда М. Низанова ва Ғ. Эшмуродов сценарийси асосида, режиссёрлар Б. Низаматдинов ҳамда Б. Баймурзаев томонидан тасвирга олинган “Қўшнилар” фильмида ҳаётимизда учраб турадиган ҳолат яъни, қўшнилар ўртасидаги муносабатлар, улар ўртасидаги қарама-қаршиликларнинг салбий оқибатлари юмор орқали тасвирланади. Кино асарда баъзи инсонларнинг хулқ-атвори бош қаҳрамон Худойназар образи орқали катта маҳорат билан кўрсатиб берилган [5]. Фильмда бош ролларни Б. Назаримбетов, А. Сапарова, А. Саитов, К. Шамуратова, Б. Утебаев, Л. Холикназаровлар ижро этишган.

Комедия жанридаги режиссёр Б. Низаматдинов томонидан, М. Низанов сценарийси асосида тасвирга олинган “Курорт” фильмида, асосий бош қаҳрамон содда қишлоқ одамнинг катта шаҳардаги саргузаштлари, бошидан кечирган қизиқарли воқеалар юмор асосида тасвирланади. Фильм бош қаҳрамони ролини Қуватбай Данияров ижро этган. Мазкур фильмлар ҳам киномухлислар томонидан илиқ кутиб олинди.

Кейинчалик “Қорақалпоқфильм” студия жамоаси томонидан “Ешан бахши” (2011), “Қайсар” (2011), “Меҳриё-Маргия” (2012) “Қўрғон” (2014), “Устюртга йўл” (2016) каби тўлиқ метражли бадиий фильмлар тасвирга олинди.

Мазкур фильмлар мазмунига тўқталиб ўтадиган бўлсак, “Ешан бахши” фильми қорақалпоқ бахшичилик санъатининг ривожига катта ҳисса қўшган машҳур бахши, Ўзбекистон халқ артисти Ешан Қўсполовнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган. Фильм воқеалари ўтган асрнинг бошлари ва 50-йилларнинг ўрталаригача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу кино асарда бош қаҳрамоннинг ички олами, унинг маънавий дунёси очиқ берилади. Фильм М. Низанов сценарийси асосида, режиссёрлари Б. Баймурзаев ва Б. Низаматдиновлар томонидан тасвирга олинган. Фильмда ролларни О. Атембетов, И. Айбатов,

Ў.Қосимбетов, Ж.Жуманов ва Б.Назаримбетовлар ижро қилишган.

“Қайсар” фильмида эса бугунги кунда юртимизда кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида айтилади. Кино асар бош қаҳрамон Соғинбой образи орқали маҳаллий фермерларнинг фаолияти, уларнинг халқ фаровонлиги ва манфаати йўлидаги саъй-ҳаракатлари, шунингдек, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги ютуқлари ҳақида айтилади. Фильм “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” давлат дастури доирасида М.Низанов сценарийси асосида режиссёр Б.Баймурзаев томонидан тасвирга олинган бўлиб, ролларни Д.Қалхоразов, Қ.Жумамурадов, Ж.Жуманов каби актёрлар ижро қилишган. Мазкур фильм бугунги кунда жамиятимизда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг аҳамияти, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривождаги ролининг катталиги кўрсатилган.

Кейинги кино асаримиз бу “Қўрғон” бадиий фильмидир. Фильм “Ўзбеккино” миллий агентлиги буюртмаси асосида “Қорақалпоқфильм” кино ижодкорлари томонидан таниқли ижодкорлар Муротбой Низанов, Шоира Ғиёсова сценарийси асосида режиссёр Абдувоҳид Ғаниев томонидан тасвирга олинган. Бош ролларни Бобур Йўлдошев ва Нарғиза Аллашевлар ижро этишган. Фильм ҳарбийларимиз ҳаёти ҳақида бўлиб унда, бугунги армия ҳаёти, аскарларнинг яшаш тарзи, ўқув машқлари, амалда қўлланилаётган ҳарбий техника воситалари чиройли тарзда кўрсатиб берилган. Картинани томоша қилар экансиз, мустақил давлатимизнинг бугунги кундаги ҳарбий салоҳиятини ҳис этасиз. Бундай мавзудаги фильмлар ёшларимизни жасурликка, мардликка, ўз Ватанини кўз қорачиғидай асрашга ундайди.

Навбатдаги кино асар бу “Устюртга йўл” номли бадиий фильм. Фильм 2015 йил “Ўзбеккино” миллий агентлиги буюртмасига асосан “Қорақалпоқфильм” киностудияси томонидан Гулистон Аннақличева ва Абдуқаюм Йўлдашевлар сценарийси асосида, кино режиссёр Абдувоҳид Ғаниев, оператор Азизбек Арзиқулов томонидан тасвирга олинган. Фильмда Қорақалпоғистон Республикасининг Қўнғирот туманидаги Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилиши жараёнлари тасвирланади [7]. Фильмнинг тасвирга олиш жараёнлари Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти, Тошкент шаҳри ва Жанубий Кореянинг Сеул шаҳрида амалга оширилган. Фильмда бош ролларни Акбархўжа Расулов, Адиз Ражабов, Қўпжурсин Алланазаров, Шахзода Матчанова, Нарғиза Салмонова, Абдураим Абдувахобов, Базарбай Назаримбетов каби актёр ва актрисалар ижро қилишган. Фильм сюжетига кўра яқинда олий ўқув юртини тамомлаган ёш, истеъдодли мутахассис Нодир бир гуруҳ тенгдошлари билан Устюртга газ-кимё мажмуа қурилишида иштирок этиш учун Устюртга йўл олади. Улар мураккаб табиатли бу масканда ишлаш жараёнида жиддий синовларни бошидан кечиришади. Лекин бундай қийинчиликларга қарамасдан ҳар шароитда ҳам улар ортга чекинмайди. Фильмда турли тақдир эгаларининг ҳаёт йўллари орқали одамийлик, меҳнатсеварлик, меҳр-муруват каби фазилатлар тараннум этилади.

Болалар киносининг ёш бола руҳияти ва тафаккурига таъсири бениҳоя кучли бўлиб, маърифий-тарбиявий имкониятлари жуда каттадир. Бундай фильмлар болаларнинг фикрлаш доирасини кенгайтиради, бола тарбиясига тегишли масалалар оддий, қизиқарли шаклда томошабинларга етказилади, уларга руҳий ва маънавий озуқа беради.

Мустақиллик йилларида “Қорақалпоқфильм” студияси “Ўзбеккино” миллий агентлиги билан ҳамкорликда бош қаҳрамонлари болалар бўлган биринчи тўлиқ метражли бадиий фильмни тасвирга олишди. Фильм “Ўқилмаган хат” (2017) деб номланади. Унда асосан мактаб ёшидаги болалар ҳаёти тасвирланиб уларнинг орзу умидлари, ҳаётга бўлган муносабати, болаларча ташвишлари ва илк муҳаббат туйғулари ҳақида ҳикоя қилинади.

Фильм сценарийси таниқли ёзувчи М.Низанов, У.Ҳамдамов, Б.Худайбергеновлар томонидан ёзилган, фильм режиссёр М.Марданов томонидан тасвирга олинган. Ролларни Дамир Нуратдинов, Айдос Муҳамбетуллаев, Мунира Бекимбетова, Қурбонбой Қаландаров, Шаригул Аметова, Жанабой Ўтепбергенов, Амина Қалимбетова ва бошқалар маҳорат билан ижро этишган.

Бундай фильмлар орқали ёшларимиз яхшилик ва ёмонлик, меҳр-оқибат, дўстлик ва садоқат каби инсонийлик фазилатларни ўрганади. Мазкур фильмнинг тасвирга олиниши қорақалпоқ кино санъати соҳасида катта янгилик бўлди ва қорақалпоқ бадиий кино санъатининг юксалишига катта ҳисса қўшди.

Кейинги йилларда қорақалпоқ бадиий киноси ўзини бир мунча ўнглаб олди. Мавзулар доираси анча кенгайиб ҳаёт билан ҳамнафас мавзулардаги янги бадиий фильмлар яратилмоқда. Шундай фильмлардан бири “Ўзбеккино” миллий агентлиги буюртмасига биноан “Қорақалпоқфильм” киностудиясида режиссёр Мансур Абдухоликов томонидан Ғафур Шермуҳаммад ва Шухрат Ризаевлар муаллифлигидаги сценарий асосида тасвирга олинган “Тенгиз” бадиий фильмидир. Кино асарда бахтсиз ҳодиса туфайли ногирон бўлиб қолган аёл қисмати ёритилади [8]. Фильм сюжетига кўра бош қаҳрамон Тенгиз бахтсиз ҳодисадан кейин тушқунликка тушмай, тикувчиликни ўрганиб, ўз тадбиркорлик ишини йўлга қўяди. Картина Мўйноқ шаҳрида истикомат қилувчи Манзура Ернийёзованинг ҳаёти ва жасоратига бағишланган. Фильмда бош ролларни Ситора Фармонова, Қўпжурсин Алланазаров, Роза Пиязова, Феруза Саидова, Лизахон Ҳақназарова ва бошқалар ижро этишган.

Мазкур фильмдаги Тенгиз роли учун актриса Ситора Фармонова 2022 йил Москва шаҳрида бўлиб ўтган Ҳамдўстлик давлатларининг “Москва премьераси” IV халқаро кинофестивалида “Энг яхши аёл роли” номинациясидаги ғолибликни қўлга киритган.

Таъкидлаш керакки кейинги йилларда юртимиз кино ижодкорлари тарихий-биографик бадиий фильмларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Қорақалпоқфильм” студияси кино ижодкорлари ҳам қорақалпоқ кино соҳасида янгилик бўлган тарихий “Ажиниёз” номли бадиий-публицистик фильмини тасвирга олишди. Фильмини тасвирга олиш ишлари учун давлат бюджетидан 3 миллиард сўм маблағ

ажратилди [9]. Фильмда қорақалпоқ мумтоз шоири Ажиниёзнинг ҳаёти, болалик йиллари, ижод йўли тасвирланади. Картина режиссёр Қ.Атажанов томонидан тасвирга олинган. Сценарий муаллифи М.Низанов. Фильмда бош ролни Кўпжурсин Алланазаров ижро қилган. Тасвирга олиш ишлари асосан Хива шаҳрида ва республиканинг тарихий жойларида олиб борилган. Бу кино асар қорақалпоқ кино тарихида қисқа давр ичида тайёр бўлган бадиий фильм бўлиб, у қорақалпоқ кинематографияси тарихида алоҳида эътироф этишга орзуғилик воқеадир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки қисқа давр ичида “Қорақалпоқфильм” студиясида ишлаб чиқарилган бадиий фильмлар кино ихлосмандларининг ҳақиқий муҳаббатига сазовор бўлди. Киностудияда ишлаб чиқарилган бадиий фильмлардан “Танка”, “Курорт”, “Ўғри”, “Тенгиз”, “Ажиниёз” каби фильмлар ўзининг юксак бадиийлиги, халқчилиги, халқ характери ва руҳини беришдаги топқирлиги, мавзуси, образлар ролларини ижро этган актёрларнинг маҳорати билан кино мухлисларида катта шухрат қозонди. Бу фильмлар халқ муҳаббатини қозониб Ўзбекистон Республикаси кинофондидан муносиб ўрин эгаллади.

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2018.
 2. Низанов М. Кино қалай жаратылды?. – Нөкис: «Билим», 2014; Аҳмедов Б. Кино олами. – Тошкент: «Lesson press», 2021; Абдриймов М. Қорақалпоқ фильмларининг ўзига хос хусусиятлари. // Хоразм Маъmun академияси аборотномаси, 2021, №2. 251-255-б; Юсупбаев М. «Қарақалпақфильм» киностудияси тарийхынан. // Маданият чорраҳалари, 2022, №2. 16-21-б; Аҳимбетова Л., Утегенова Н. Кинодаги режиссёрлик маҳорат. // Маданият чорраҳалари, 2023, №4. 56-58-б; Мадияров Б. Қорақалпоқ хужжатли фильмларининг хусусиятлари. // International sciences, education and new learning technologies. Volume 1, issue 11. 2024.
 3. Низанов М. Кино қалай жаратылды? – Нөкис: «Билим». 2014.
 4. Аҳмедов Б. Кино олами. –Тошкент: «Lesson press», 2021.
 5. “Қорақалпоқфильм” киностудияси жорий архиви. “Қорақалпоқфильм» киностудияси ҳақида маълумотнома.
 6. “Қорақалпоқфильм” киностудияси жорий архиви. «Қорақалпоқфильм» киностудиясида тасвирга олинган бадиий фильмлар аннотацияси.
 7. Ўзбекистон энг янги тарихининг муҳим воқеалари ва саналари. Солнома. 2017 йил. – Тошкент: «Адабиёт учқунлари», 2019.
 8. Тилепов Қ. Кино – тарбия воситаси. // Innovative Development in Educational Activities. volume 2, issue 5, 2023. 316-б.
 9. Абдуллаев Д. «Ажиниёз» фильмининг тақдироти бўлди. Ўзбекистон миллий аборот агентлиги. – https://uza.uz/uz/posts/azhiniyoz-filmining-taqdimoti-boldi_658005
- РЕЗЮМЕ.** Ушбу илмий мақолада мустақиллик йиллари «Қорақалпоқфильм» киностудияси томонидан тасвирга олинган тўлиқ метражли бадиий фильмлар таҳлил қилинган.
- РЕЗЮМЕ.** В данной научной статье анализируются полнометражные художественные фильмы, снятые киностудией «Каракалпакфильм» в годы независимости.
- SUMMARY.** This research paper analyses full-length feature films produced by the «Karakalpakfilm» studio during the years of independence.

ORCID ID: 0009-0002-1923-2138

TURKISTONDA YER-SUV ISLOHOTINING AMALGA OSHIRILISHIDA DAVLAT ARBOBI TUROR RISQULOVNING O'RNI

B.M.Qandov – *falsafa fanlari bo'yicha falsafa doktori, dotsent*

Chirchiq davlat pedagogika universiteti

Tayanch soʻzlar: Turor Risqulov, Turkiston Respublikasi, xalq xoʻjaligi, irrigatsiya, xalq maorifi, tarixiy tahlil, Yangi iqtisodiy siyosat.

Ключевые слова: Турор Рискулов, Туркестанская Республика, народное хозяйство, ирригация, народное образование, исторический анализ, Новая экономическая политика.

Key words: Turor Riskulov, Turkestan Republic, national economy, irrigation, public education, historical analysis, New Economic Policy.

Kirish. XX asr boshlarida Turkiston mintaqasida yuzaga kelgan murakkab siyosiy va iqtisodiy sharoitlar, xususan, Rossiya imperiyasining mustamlakachilik siyosati va 1917-yildagi inqiloblar mintaq aholisi hayotida jiddiy oʻzgarishlarga sabab boʻldi. Sovet hokimiyatining oʻrnatilishi bilan bir vaqtda milliy masalalar va yer-suv munosabatlari yangicha ahamiyat kasb eta boshladi. Turkistonda yerdan foydalanishdagi adolatsizlik, mahalliy aholining huquqlarining poymol qilinishi, mustamlakachilik oqibatlar iqtisodiyotning tanazzulga yuz tutishiga olib keldi. Turor Risqulov ana shunday murakkab siyosiy sharoitda Turkistonda yer-suv islohotlarini amalga

oshirishda yetakchi siyosiy arbob sifatida maydonga chiqdi. Uning faoliyatining bosh maqsadi – yer-suv munosabatlarini isloh etish orqali mahalliy aholining turmush darajasini yaxshilash, qishloq xoʻjaligini tiklash, irrigatsiya tizimini modernizatsiya qilish va kooperativ harakatlarini rivojlantirish edi.

Turkiston Muxtoriyati hukumati agʻdarib tashlangach, 1918-yil 20-aprel – 1 mayda boʻlib oʻtgan Turkiston oʻlka Sovetlarini V syezdida RSFSR tarkibida Turkiston Avtonom Sovet Sotsialistik Respublikasi (TASSR) tuzildi [1:211-215]. Turkistondagi ijtimoiy-siyosiy muhit, yer-suv islohotlarining zarurati va ularni amalga oshirishdagi asosiy